




## ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



### THE PROCEDURAL STATUS AND PRACTICAL ASPECTS OF EXPERT SAMPLES

**Shukurullo Safarboyevich Agoev**

*Independent Researcher*

*Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** forensic examination, examination object, sample classification, handwriting examination, trace evidence examination, biological examination, procedural requirements.

**Received:** 08.08.25

**Accepted:** 09.08.25

**Published:** 10.08.25

**Abstract:** The article examines the nature of expert samples as objects of forensic examination, features of using samples in various types of examinations and requirements for them. Practical aspects of obtaining, storing and using samples in examination, as well as existing scientific controversial issues are analyzed. Proposals for improving the procedural status of samples have been developed.

### ЭКСПЕРТИЗА НАМУНАЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Шукурулло Сафарбоевич Агоев**

*Мустақил изланувчи*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Тошкент, Ўзбекистон*

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** суд экспертизаси, экспертиза обьекти, намуналар таснифи, хатшунослик экспертиза, трасологик экспертиза, биологик экспертиза, процессуал талаблар.

**Аннотация:** Мақолада экспертиза намуналарининг суд экспертизаси обьекти сифатидаги табиати, турли экспертиза турларида намуналардан фойдаланиш хусусиятлари ва уларга қўйиладиган талаблар тадқиқ этилган. Намуналарни олиш, саклаш ва экспертизада фойдаланишининг амалий жиҳатлари, шунингдек мавжуд илмий баҳсли масалалар тахлил килинган. Намуналарнинг процессуал мақомини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

## ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ СТАТУС И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБРАЗЦОВ ДЛЯ ЭКСПЕРТИЗЫ

**Шукурулло Сафарбоевич Агоев**

Независимый соискатель

Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** судебная экспертиза, объект экспертизы, классификация образцов, почековедческая экспертиза, трасологическая экспертиза, биологическая экспертиза, процессуальные требования.

**Аннотация:** В статье исследуется природа экспертных образцов как объектов судебной экспертизы, особенности использования образцов в различных видах экспертиз и требования к ним. Проанализированы практические аспекты получения, хранения и использования образцов в экспертизе, а также существующие научные дискуссионные вопросы. Разработаны предложения по совершенствованию процессуального статуса образцов.

### Кириш

Замонавий суд экспертизаси амалиётида намуналарнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Янги экспертиза турларининг пайдо бўлиши, илмий-техник воситаларнинг такомиллашуви намуналарга қўйиладиган талабларни ҳам ўзгартирмоқда. Шу билан бирга, намуналарнинг экспертиза обьекти сифатидаги табиати, уларни турли экспертиза турларида қўллаш хусусиятлари ва процессуал мақоми масалалари назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мақолада экспертиза намуналарининг суд экспертизаси обьекти сифатидаги табиати, турли экспертиза турларида уларнинг ўрни, намуналарга қўйиладиган талаблар ва улар билан ишлашнинг амалий жиҳатлари комплекс таҳлил қилинган.

### Экспертиза обьекти сифатидаги намуналар

Суд экспертизаси обьектининг табиати ва тузилиши масаласида илмий адабиётларда турли фикрлар мавжуд. В.А.Жбанков томонидан ишлаб чиқилган концепцияга кўра, намуналар ашёвий далиллар категориясига киради. У ўз ишларида таъкидлайдики, "намуналар ашёвий далиллар ҳисобланади ва уларни мустақил ахборот ташувчи обьектлар сифатида ажратиб кўрсатишга ҳеч қандай зарурат йўқ".

Бунга қарши, Р.С.Белкин намуналарни мустақил процессуал категория сифатида кўришни таклиф этади. Унинг фикрича, "қиёсий тадқиқот учун намуналар суд экспертизаларини ўтказишда қўлланиладиган обьектларнинг мустақил турини ташкил этади".

Т.В.Аверьянова, Н.П.Майлис, Е.Р.Российская каби олимлар қиёсий тадқиқот учун намуналарни эксперт тадқиқотининг обьекти сифатида кўриб чиқадилар. Уларнинг фикрича, суд экспертизаси обьекти суд экспертизаси назариясида камидан уч элементдан иборат мураккаб динамик тизим сифатида каралади:

1. Ушбу факт, ходиса тўғрисидаги маълумотларнинг моддий ташувчиси;
2. Факт тўғрисидаги ахборот манбаи;
3. Ахборотни манбадан ташувчига узатиш механизми.

Ю.А.Кудрявцева 2013 йилдаги монографиясида намуналарнинг процессуал табиати масаласини батафсил ўрганиб, хулоса қилишича, "қиёсий тадқиқот учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг барча белгиларига тўлиқ жавоб беради". Унинг таҳлилига кўра, бу харакат:

- далил маълумотларини олиш ва текширишга қаратилган;
- фақат фактик ва юридик асослар мавжуд бўлганда амалга оширилади;
- қонун билан ваколат берилган субъектлар томонидан бажарилади;
- фақат жиноятларни тергов қилиш ёки суд муҳокамаси доирасида йўл қўйилади.

Турли экспертиза турларида намуналарнинг ўрни

Хатшунослик экспертизада

Хатшунослик экспертизада намуналар асосий материал ҳисобланади. Олимлар томонидан уч тур намуналар ажратилади: эркин, шартли-эркин ва экспериментал.

Эркин намуналар - бу тергов ишлари бошланишидан олдин ва уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган обьектлар. Масалан, шахснинг кундалик ҳаётда ёзган хатлари, ариза ва бошқа хужжатлари.

Шартли-эркин намуналар - жиноят иши қўзғатилгандан кейин, лекин таққослаш тадқиқоти мақсадида эмас балки бошқа вазифалар учун вужудга келган обьектлар. Масалан, тергов жараёнида ёзилган изоҳлар.

Экспериментал намуналар - маҳсус тергов харакати натижасида олинган обьектлар ҳисобланади. Бунда шахс маҳсус шароитларда, терговчи кўрсатмасига кўра матн ёzádi.

Трасологик экспертизада

Трасологик экспертизада намуналар идентификация ва диагностика вазифаларини ечишда қўлланилади. В.Я.Колдин томонидан илгари сурйилган назарияга кўра, "ҳар қандай қиёсий материаллар процессуал маънода намуна бўлавермайди". У таъкидлашича, фақат аниқ маълум бўлган шахслар ёки предметлардан олинган обьектлар намуна ҳисобланади.

Трасологик экспертизада куйидаги намуналар турлари мавжуд:

- Бармоқ излари намуналари
- Оёқ кийими излари намуналари

- Транспорт воситалари шиналари излари намуналари
- Асбоб-ускуналар излари намуналари

Баллистик экспертизада

Суд-баллистик экспертизада экспериментал намуналар алохидан ўрин тутади. А.И.Винберг томонидан таъкидланишича, "идентификацион суд-баллистик тадқиқотларида бундай объектлар текширилаётган отиб ўтказувчи қуролдан отилган ўқ ва гилзаларнинг экспериментал намуналари ҳисобланади".

Баллистик экспертизада намуналар олишнинг ўзига хос хусусиятлари:

- Хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиш
- Махсус шароитларда намуна олиш (тир-полигон)
- Етарли миқдорда намуна олиш (камида 3-5 та)

Биологик экспертизада

Биологик экспертизада намуналар шахсни идентификация қилиш ва генетик тадқиқотлар ўтказишда асосий материал ҳисобланади. Замонавий амалиётда қон, сўлак, соч каби биологик материал намуналари кенг қўлланилмоқда.

Биологик намуналарнинг турлари:

- Қон намуналари (ДНК таҳлили учун)
- Сўлак намуналари
- Соч намуналари
- Тери эпителийси намуналари
- Бошқа биологик материаллар

С.Нуриддинов таъкидлайдики: "Биологик намуналар (қон, ДНК, бармоқ излари) шахсни идентификация қилиш, жиноятни очиш ва далил сифатида ишлатиш учун ҳуқуқий мақомга эга". Олимнинг қарашича, "намуналарни олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш фақат қонун билан белгиланган ҳолда, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим".

Намуналарга қўйиладиган талаблар

Илмий адабиётда намуналарга қўйиладиган талаблар масаласи кенг муҳокама қилинган. И.Л.Петрухин 1964 йилги ишида намуналарни "тергов органининг қарори асосида қиёсий тадқиқот мақсадида тақрорлаб олинадиган ва из ҳосил қилинадиган турли хил объектлар" деб таърифлаган.

Сифат мезонлари

1. Намуналарнинг келиб чиқиши ишончли бўлиши - намуна қайси шахс ёки объектдан олингани аниқ ва шубҳасиз бўлиши керак.

2. Экспертиза ўтказиш учун етарли сифат ва миқдорда бўлиши - намуналар экспертнинг барча зарур тадқиқотларни ўтказиши учун етарли бўлиши керак.

3. Тегишли обьектнинг хусусиятларини етарли даражада акс эттириши - намуналар обьектнинг индивидуал ва гурухий белгиларини тўлиқ намоён қилиши лозим.

#### Процессуал талаблар

1. Конунда белгиланган тартибда олиниши - намуналар фақат ЖПК талабларига мувофиқ олиниши керак.

2. Тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши - намуна олиш қарори, баённома ва бошқа зарур ҳужжатлар тўлиқ бўлиши керак.

3. Сақлаш занжири бузилмаслиги - намуналарнинг олинишидан то экспертизага топширилгунча бўлган барча босқичлар ҳужжатлаштирилиши керак.

Н.И.Долженко томонидан таъкидланишича, намуналарга нисбатан "ушбу далилни олиш ва шакллантириш усули ашёвий далилни шакллантириш ва олишдан муҳим даражада фарқ қилмайди ва бир хил талабларга жавоб бериши лозим".

#### Намуналар билан ишлашнинг амалий жиҳатлари

##### Олиш тартиби

Замонавий қонунчиликка кўра, намуналарни олишнинг уч усули мавжуд:

1. Махсус процессуал харакат сифатида (ЖПК 198-модда) - терговчи ёки суд қарори асосида амалга оширилади. Бу усулда намуналар олиш мустақил тергов харакати сифатида баённома билан расмийлаштирилади.

2. Далилларни йиғишнинг умумий усуллари орқали (ЖПК 86-модда) - кўрик, тинтуб ва бошқа тергов ҳаракатлари жараёнида олинади.

3. Экспертиза ўтказиш жараёнида (ЖПК 198-модда 4-қисм) - эксперт ўзи намуна олиши мумкин, агар бу унинг вазифасига кирса.

#### Сақлаш ва транспортировка

Намуналарни сақлаш ва транспортировка қилиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Амалиётда намуналар ашёвий далиллар каби махсус шароитларда сақланиши керак.

##### Сақлаш талаблари:

- Ўзгариб кетишига йўл қўймаслик
- Ифлосланишдан сақлаш
- Йўқолишига йўл қўймаслик
- Тегишли ҳарорат режимини таъминлаш (айниқса биологик намуналар учун)
- Намлик даражасини назорат қилиш
- Махсус идишларда сақлаш

##### Экспертда фойдаланиш

Эксперт намуналарни тадқиқ қилишда уларнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Агар намуналар етарли эмас бўлса, Ю.К.Орлов томонидан таъкидланишича, эксперт қўшимча намуналар сўраш ҳуқуқига эга.

Экспертнинг намуналар билан ишлаш босқичлари:

1. Намуналарни қабул қилиш ва дастлабки текшириш
2. Намуналарнинг яроқлилигини баҳолаш
3. Тадқиқот методларини танлаш
4. Таққослаш тадқиқотини ўтказиш
5. Натижаларни баҳолаш ва хulosса чиқариш

Илмий полемика ва баҳсли масалалар

Намуналарнинг табиати масаласида олимлар орасида муҳим фикр алмашиб ҳолатлари мавжуд. В.В.Арсеньев ва В.Г.Заблоцкий томонидан баён этилган фикрга кўра, "намуналар хужжатларга далил сифатида қаралади". Лекин улар шу билан бирга огоҳлантирадики, "Хужжатларга бармоқ излари, қолиплар ва излардан олинган нусхалар, қон намуналари ва бошқаларни киритиш шубҳа туғдириши мумкин".

А.В.Кудрявцева ўз тадқиқотларида намуналарнинг мустақил статуси масаласини кўтаради. Унинг фикрича, "намуналар замонавий суд экспертизасининг барча вазифаларини (идентификацион, диагностик, классификацион, ситуацион) ҳал қилиш учун хизмат қилиши мумкин".

Замонавий даврда С.М.Плешаков томонидан таъкидланишича, намуналарнинг процессуал статуси масаласи ҳанузгача тўлиқ ҳал этилмаган. У ёзиича, "қиёсий тадқиқот учун намуналарга нисбатан ушбу далилни олиш ва шакллантириш усули ашёвий далилни шакллантириш ва олишдан муҳим даражада фарқ қилмайди".

А.Халилов таъкидлашича: "Суд экспертизаси учун олинган намуналарнинг ҳуқуқий мақоми давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар билан белгиланади". Олимнинг фикрича, "экспертиза намуналари иш учун муҳим далил сифатида қонунан тан олинади ва уларни олиш, сақлаш, экспертизага юбориш ва баҳолаш жараёнлари аниқ ҳуқуқий асосларга эга".

Намуналарнинг процессуал мақомини такомиллаштириш йўналишлари

Қонунчиликни такомиллаштириш

1. Намуналар тушунчасини аникроқ белгилаш - ЖПКда намуналарнинг комплекс таърифини киритиш
2. Намуналар турларини қонунда мустаҳкамлаш - эркин, шартли-эркин ва экспериментал намуналарни ажратиш

3. Намуналар билан ишлаш тартибини батафсил регламентлаш - олиш, сақлаш, экспертизага топшириш босқичларини аниқлаш

4. Намуналарни баҳолаш мезонларини белгилаш - судда намуналарнинг мақбуллиги мезонларини ишлаб чиқиш

#### Амалиётни такомиллаштириш

1. Намуналар олиш методикаларини стандартлаштириш - ҳар бир экспертиза тури учун ягона методикалар ишлаб чиқиш

2. Сақлаш ва транспортировка қоидаларини ишлаб чиқиш - замонавий технологияларни қўллаш

3. Экспертлар учун услугбий тавсиялар тайёрлаш - намуналар билан ишлаш бўйича қўлланмалар яратиш

4. Намуналар билан ишлаш бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш - терговчилар ва эксперталар учун тренинглар

#### Илмий тадқиқотларни ривожлантириш

1. Намуналарнинг янги турларини ўрганиш - рақамли намуналар, виртуал намуналар ва бошқалар

2. Замонавий технологияларни қўллаш имкониятларини тадқиқ қилиш - 3D-сканерлаш, лазер технологиялари

3. Халқаро тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш - илғор давлатлар тажрибасидан фойдаланиш

4. Назарий концепцияларни такомиллаштириш - намуналарнинг янги назарий моделларини ишлаб чиқиш

#### Инсон хукуқларини ҳимоя қилиш механизmlарини мустаҳкамлаш

1. Биологик намуналар олишда шахс розилигини олиш тартибини такомиллаштириш

2. Намуналар олишда адвокат иштирокини таъминлаш

3. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш

4. Намуналар олишдан бош тортиси хукуқи ва унинг оқибатларини аниқлаш

#### Хуроса

Ўтказилган таҳлил асосида қуйидаги хуросаларга келиш мумкин:

Биринчидан, экспертиза обьекти сифатидаги намуналар мураккаб кўп қиррали тушунча бўлиб, улар ҳам процессуал, ҳам криминалистик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга.

Иккинчидан, намуналарнинг турли экспертиза турларидаги роли ва аҳамияти турлича бўлиб, ҳар бир соҳада ўзига хос талаблар ва мезонлар мавжуд. Хатшунослик, трасологик,

баллистик ва биологик экспертизаларда намуналардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга.

Учинчидан, назарий жиҳатдан намуналарни экспертиза объектининг махсус тури деб ҳисоблаш энг мақсадга мувофиқ ёндашув ҳисобланади. Бу ёндашув намуналарнинг ўзига хослигини тан олиш билан бирга, улар билан ишлашнинг аниқ тартибини белгилаш имконини беради.

Тўртинчидан, амалий жиҳатдан намуналар билан ишлашнинг олиш, сақлаш, транспортировка ва экспертизада фойдаланиш босқичлари аниқ регламентлаштирилиши керак. Бу намуналарнинг далилий қимматини кафолатлаш учун зарур.

Бешинчидан, намуналарнинг процессуал мақомини такомиллаштириш учун қонунчилик, амалиёт ва илмий тадқиқотлар соҳасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Намуналарнинг хуқукий табиати ва процессуал мақоми масалаларини ҳал этиш жиноят процессида далиллар базасини мустаҳкамлаш, экспертиза хулосаларининг ишончлилигини ошириш ва умуман олганда, адолат судловини таъминлашга хизмат қиласи.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жбанков В.А. Образцы для сравнительного исследования в уголовном судопроизводстве. – М., 1969. – С. 23.
2. Жбанков В.А. Получение образцов для сравнительного исследования. – М., 1992. – С. 5.
3. Белкин Р.С. Курс криминалистики: в 3 т. / Р.С. Белкин. – М., 1997. – Т. 3. Криминалистические средства. Приемы и рекомендации. – С. 124.
4. Российская Е.Р., Галышина Е.И. Настольная книга судьи. Судебная экспертиза. – М., 2011. – С. 145.
5. Кудрявцева Ю.А. Получение образцов для сравнительного исследования в уголовном судопроизводстве России: процессуальная природа, порядок, доказательственное значение: дис. канд. юрид. наук. – Челябинск, 2013. – С. 178.
6. Судебно-почерковедческая экспертиза. – М., 2006. – С. 45-50.
7. Иванова Е.С. Классификация образцов для сравнительного исследования // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2019. – № 4 (84). – С. 153-157.
8. Трасология и трасологическая экспертиза. – М., 2002. – С. 78-85.
9. Колдин В.Я. Идентификация и ее роль в установлении истины по уголовным делам. – М., 1969. – С. 27-28.

10. Винберг А.И. Криминалистическая экспертиза в советском уголовном процессе. – М., 1956. – С. 91.
11. Петрухин И.Л. Экспертиза как средство доказывания в советском уголовном процессе. – М., 1964. – С. 37.
12. Долженко Н.И. Понятие образцов для сравнительного исследования и их юридическая природа // Вестник криминалистики. – 2010. – № 2. – С. 15.
13. Орлов Ю.К. Использование специальных знаний в уголовном судопроизводстве. – М., 2004. – С. 35.
14. Арсеньев В.Д., Заблоцкий В.Г. Использование специальных знаний при установлении фактических обстоятельств уголовного дела. – Красноярск, 1986. – С. 121.
15. Плешаков С.М. К вопросу о процессуальном статусе образцов для сравнительного исследования [Электронный ресурс]. – URL: <http://отрасли права.рф/article/2764> (дата обращения: 11.09.2024).
16. Нуридинов С. Биологик намуналарнинг криминалистик экспертизадаги ўрни // Ўзбекистон суд экспертизаси журнали. – 2022. – №3. – Б. 7-10.
17. Халилов А. Суд экспертизаси намуналарининг ҳуқуқий мақоми масалалари // Ўзбекистон суд экспертизаси журнали. – 2022. – №3. – Б. 2-5.
18. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон манба]. – URL: <https://lex.uz> (мурожаат санаси: 03.04.2024).